



Мухаммад Солих: “Каримовнинг “Турки я аллергияси”дан кўрққан баъзи турк бюрократлар “Каримовни хуркитиб юбормайлик, оғалик қилмайлик”, дея бошладилар”, — деганди.

Бугунги кунга келиб эса Ўзбекистон

Биринчиси, — агарда биз ўзаро икки томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ҳақида гапираётган бўлсак — ҳар қандай йирик давлат билан бу шаклдаги ҳамкорликда унинг таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли бор.

Бу нафақат Туркия, балки Россия, Хитой ёки АҚШ ҳам бўлиши мумкин. Суверенитетга таҳдиддан сақланиш эса ўзимизни дипломатик маҳоратимизга боғлиқ. Бунинг учун бошқа бир давлатни айблаш мутлақо нотўғри. Аслини олганда бугунги кунда

## ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИ: АСОСИЙ ҚЎРҚУВ ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Туркия билан сиёсий алоқаларида ҳақида сўз борганда ўзбек расмийларидан тортиб зиёлисигача кўпчиликнинг кўнгилдан ўтайдиган бир тушунча бор. Бу ҳам — гўёки “Ўзбекистон Туркия билан қанчалик яқинлашса шунчалик унинг таъсирига тушиб боради, Туркия бизга “буюк оғалик” қилишни бошлайди” деган.

Ўзбекистоннинг “буюк оғачилик” кўрқуви аслида тўқсонинчи йилларнинг ўрталаридаёқ унинг ташқи сиёсатида яққол кўзга ташланиб улгурганди. Хусусан, президент Каримов бу ҳақда 1997 йили “Известия” газетасининг 11 ноябрь сони учун берган тўрт ярим соатлик интервьюсида “Туркия бизга “янги оға” сифатида тарбия, маданият масалаларида ақл ўргатмоқчи, умуман маънавий ҳаёт моделини тиқиштирмоқчи бўлди”, — деб нолиганди.

Икки мингинчи йилларга келиб Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати вазиятга қараб гоҳ Туркияни гоҳида эса Россияни “буюк оғачилик” да айблайвериш ушбу давлатларни ҳам атрофидаги кўшнилари ҳам зада қилиб бўлганди.

Ўзбекистон ҳукуматининг “буюк оғачилик” кўрқуви шу даражага бориб етдики 2001 йил январда “Радикал” газетасига интервью берган ўзбек муҳолифати лидери

ҳукуматининг йирик давлатларга, айниқса Туркияга нисбатан бўлган “буюк оғачилик” кўрқувининг расмий доиралар чегарасидан чиқиб хатто баъзи бир ўзбек зиёлилари дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатганини кузатиш мумкин. Ҳаттоки Ўзбекистонда кўзга кўринган баъзи академик доира вакиллари ҳам Ўзбекистон-Туркия алоқаларига жуда эҳтиёткорлик билан кўрқа-писа ёндашадиган ҳолга келишди.

Уларнинг онига сингиб қолган ёки сингдирилган тушунча моҳияти эса – расмийлар назаридаги хавфсизлигимизга ва суверенитетимизга таҳдид билан боғлиқ. Туркия гўёки Ўзбекистон учун таҳдид манбаи...

Бу ҳақиқатан шундайми деган ўринли савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб топиш учун эса – бир шахснинг ўзгарувчан кайфияти оқибатида пайдо бўлиб бутун бошли бир давлат сиёсати даражасига кўтарилган “сиёсий кўрқув”ни бир чеккага суриб қўйиш ва вазиятга объектив назар солишга тўғри келади.

Ўзбек зиёлисининг вазифаси ҳамма вақт расмийлар оғзидан тушмайдиган “суверенитетга таҳдид”, “мустақилликка таҳдид” каби ибораларни тўтиқиб каби такрорламасдан, авваламбор гап нима ҳақида бораётганини аниқлаштириб олишдан иборатдир.

суверенитетимизга энг кўп таҳдид сола олиши мумкин бўлган давлат Туркия эмас, балки Россиядир. Оддий мисол тариқасида айтайдиган бўлсам, биргина чегарани ёпиб қўйиш билан Ўзбекистондаги ички вазиятни издан чиқариш салоҳиятига эга. Неғалиги барчамизга маълум.

Иккинчиси, — агарда биз Туркия билан сиёсий характердаги туркий бирлик, яъни сиёсий ва иқтисодий интеграцияни яратиш ҳақида гапираётган бўлсак “суверенитетга таҳдид” иборасини ишлатишнинг ўзи ноўриндир. Чунки, интеграциявий бирлашмаларда давлат суверенитети ўз-ўзидан чекланади.

Биринчи навбатда миллий ҳуқуқдан устун турувчи нормалар амал қилади. Бунга Европа Иттифоқини ва ундаги барча 28 та аъзо давлат учун мажбурий бўлган Директиваларни мисол келтириш мумкин.

Албатта, бундай интеграциявий бирлашмаларда ҳам ўз салоҳиятидан келиб чиқиб халқ қилувчи рол ўйнайдиган давлатлар бўлади, худди ЕИ даги Франция ва Германия сингари.

Лекин бу бошқа аъзолар манфаатларининг камситилиши сифатида ёки Франция ва Германиянинг Иттифокдаги гегемонлигини ифодаламайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Чунки Иттифокда раислик қилиш аъзо давлатлар ўртасида навбат билан амалга оширилади.

Худди шу сингари агарда Туркия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий ва сиёсий интеграция бўладиган тақдирда давлатларнинг салоҳияти нуктаи назаридан бундай бирлашмада ҳал қилувчи рол ўз-ўзидан Туркияга тушади.

Бунинг сабаби Марказий Осиё давлатлари ва Туркия жумҳурияти салоҳиятидаги йирик тафовутга бориб тақалади.

Масалан, Туркиянинг деярли 1,2 трлн АҚШ доллариға тенг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи Россияни кўшаганда бутун МДХ давлатларининг умумий ЯИМ кўрсаткичидан юқори

туради. Ёки бутун Марказий Осиё давлатларидаги умумий аҳоли сонини кўшсангиз ҳам Туркиянинг 76 миллионлик аҳолиси сонига тенг келмайди.

Бирок, юқорида айтганимдек буни мустақилликка ёки суверенитетга таҳдид деб баҳолаб бўлмайди.

Чунки, сиёсий характердаги интеграциявий бирлашмаларда суверенитет тушунчаси алоҳида давлатларга эмас, балки интеграциявий органларга тегишли бўлади.

Марказий Осиё давлатлари учун чекланган суверенитет ўз навбатида, Туркия учун ҳам чекланади. Шу билан бирга, юқорида айтилганидек ҳар қандай бирлашмада раислик қилиш аъзо давлатлар ўртасида навбат билан амалга оширилади.

Демак, давлат суверенитетиға таҳдид ҳақида сўз борганда унга ҳар доим салбий бўёқ беравермасдан унинг маъносига ва моҳиятиға эътибор қилган маъқул. Суверенитетнинг қисқача маъноси – давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини мустақил тарзда олиб боришидир.

Барибир бунга шубҳа билан ёндашадиганлар ва Туркия жумҳурияти мисолида Ўзбекистон учун таҳдидни ҳис қиладиганлар учун айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Туркия билан ҳар қандай интеграция ҳақида сўз айтишға жуда эрта.

Зеро, Туркиянинг яқин келажак учун белгиланган стратегик режалар дастурида Марказий Осиё давлатлари масаласи ҳатто киритилмаган ҳам.

Замир Малик



## Ўзбекистон ҳаво йўллари учоқларга суюқлик олиб чиқишға бўлган таъқиқни бекор қилди

Жорий йилнинг 1-майидан “Ҳаво кемаси саҳниға йўловчилар томонидан қўл юки билан ва божсиз савдо маҳсулотлари таркибида олиб кириладиган суюқликлар, геллар ва аэрозолларнинг авиацион хавфсизлигини назорат қилиш тартиби ҳақида муваққат йўриқнома”ға ўзгартириш киритилган.

Мазкур ўзгаришларға кўра Ўзбекистон Республикаси аэропортларидан учиб кетадиган йўловчиларнинг қўл юки таркибида барча турдаги суюқликлар, аэрозоллар ва гелларни олиб кетишнинг ман этилиши тўғрисидаги буйруқ бекор қилинган. Бу ҳақда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг расмий сайти хабар тарқатди.

сиғими 100 мл дан кўп бўлмаган идишларда олиб кетиш лозим;

- сиғими 100 мл дан кўп бўлган контейнерларға жойлаштирилган суюқликлар ташиш учун қабул қилинмайди, улар қисман тўлдирилган бўлса ҳам;

- идишлар шаффоф, зич ёпиладиган, ҳажми 1 литрдан кўп бўлмаган пластик пакетларға бемалол жойлаштириладиган бўлиши керак;

- пластик пакет авиация хавфсизлиги назорати пунктида махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда кўздан кечириш учун тақдим этилиши керак;

- ҳар бир йўловчиға фақатгина 1 та (битта) ҳажми 1 литр шаффоф пластик пакет олиб кетишға рухсат этилади

ЎХХ хабар маркази

## Тошкентда яна автобус ёниб кетди

5-май куни Тошкент темир йўл вокзали яқинида Мерседес Бенз автобуси ёниб кетди. Бу ҳақда уз24.uz хабар берди. Қўйлик-2 — Бошлиқ йўналишида қатновчи 12-рақамли автобус ҳаракат вақтида тутай бошлаган. Кейинроқ унинг орқа қисми ёна бошлаган.

Барча йўловчилар шошилиш равишида эвакуация қилинган. Воқеа жойиға зудлик билан ўт ўчирувчилар етиб келган ва ёнғинни бартараф қилган. Автобус тегишли бўлган автопаркдагиларнинг нашрга маълум қилишича, ҳеч кимға зиён етмаган. Айни пайтда ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2013 давомида ҳам Мерседес Бенз автобусларининг ёниб кетиш ҳолатлари бир неча маротаба кузатилганди. Хусусан, 2013 йилнинг 14 март куни пойтахтнинг Учтепа туманида №2 йўналишда ҳаракат қилувчи Мерседес Бенз автобуси ёниб кетганди. Ундан биров ўтиб, 14 июнь куни Тошкентнинг кичик халқа йўлидаги Қорасарой ва Шимолий Олмазор бекатлари оралиғида яна бир Мерседес Бенз жамоат автобуси ёниб кетганди.

Ниҳоят 2013 йилнинг 23 августида бу ҳолат учинчи маротаба содир бўлганди. Бу сафар Чилонзор 20-дахаси ва “Мухаммад Юсуф” кўчаси оралиғида ҳаракатланувчи №70 йўналишдаги Мерседес Бенз автобуси ёниб кетганди.

UZBEK.FM

Июн ойи охирида Туркия пойтахти Анкарада бўлиб ўтажак «Тибби Набавий» (Пайгамбарлар тибби) халқаро конгрессида замонавий тиббиётда даволаш усуллари савол остига олиниши кутилмоқда.

Исломий тиббиётни ўзининг ахлоқий асоси сифатида қабул қилган «Тибби Набавий» даволаш ва соғлиқ мавзуларида замонавий тиббиётга муқобил йўл сифатида чикмоқда.

Хўш, «Тибби Набавий» замонавий тиббиётдан нимаси билан фарқ қилади?



## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ХАТОЛАРГА АСОСЛАНГАНМИ?

Анкарада бўлиб ўтажак икки кунлик конгрессда америка, африка, оврўпо ва осиелик таниқли шифокор-олимлар иштирок этадилар.

Би-би-си аини савол билан бўлажак конгресс қатнашчиларидан бири, таниқли олима Ойдин Солихга боғланди.

Ойдин Солих: «Тибби Набавий» — муқобил эмас, асл (ҳақиқий) тиббиётдир. Чунки, «Тибби Набавий» таълимоти инсондан келмайди, у тўғридан-тўғри Аллоҳ томонидан пайгамбарларга юборилгандир. Барча пайгамбарлар тибб илмига эга бўлганлар. Аммо, махсус тибб илмлари Лукмон алайҳиссаломга юборилган. У «Тибби Набавий» асосчиси ҳисобланади. Замонавий тиббиёт эса инсонлар ва ҳайвонлар устидан ўтказилган тажрибаларга асосланган. Хатолар ҳам шу ерда ётади.

Инсон — хато қилувчидир.

Хатоларга асосланган билим эса тобора мустаҳкамланиб боради ва кўплаб зарарлар етказилади.

Аллоҳ — илми бенуксон зот.

Замонавий кибернетика ва квантум физикаси янги таълимотларига таянадиган бўлсак, биз биламизки, барча кимёвий ва физикавий қонунлар мустаҳкам тамалга қурилмаган. Шунинг учун замонавий тиббиёт ва таълим ўта аянчли аҳволга тушиб қолган. Бир пайтлар фанларнинг устунларига айланган кашфиётлар бугун нуқсонли экани ўртага чиқмоқда.

Замонавий илм дунёнинг тузилиши борасида нотўғри тасаввур беради, тиббиёт бўлса, нотўғри даволайди.

Замонавий тибда даволаш қисман ўтказилади. Касалликларни

“юрак хасталиклари”, “кўз, қулоқ, томоқ ва бурун” касалликлари, деб бўлиб ташлаш жуда қулғулдир!

Ахир, қандай қилиб, бутун танани даволамасдан туриб, юракни ёки кўзни даволаш мумкин?

«Тибби Набавий» организмга яхлит, бир коинот сифатида қарайди. Унда тананинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши эътиборга олинади.

Бир турк ёзувчиси менга бир гапни айтди: “Ойдин хоним, мен тушундим: Аллоҳдан келадиган ҳамма нарса оддий ва бепул, шайтондан келадиган ҳамма нарса жуда айқаш-уйқаш ва қиммат экан”.

Бу дарҳақиқат шундай: «Тибби Набавий»да даволаш тамойиллари ўта оддий, қулай ва ўта таъсирлидир. Замонавий тиббиёт эса ўта айқаш-уйқаш ва жуда қимматдир.

Би-би-си: Ойдин хоним, «Тибби Набавий» антибиотикларга мутлақо қарши. Лекин, айнан шу антибиотиклар туфайли, миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинади. Буни қандай изоҳлайсиз?

Ойдин Солих: Умуман олганда, мен ўз китобимда нафақат антибиотиклар, балки барча замонавий дори-дармонларга қарши эканимни ёзганман. Антибиотиклар ҳақида билмоқчи бўлсангиз, унинг номиданоқ ҳаммаси ойдек равшан бўлади. «Анти-био» бу — «ҳаётга қарши», дегани.

Бу сўзнинг номини тушунган инсон қандай қилиб танадаги барча тирик моддаларни ўлдирадиган замонавий дори-дармонлардан фойдаланиши мумкин?!

Антибиотиклар илк навбатда танадаги микрофлорани йўқ қилади. Танадаги микрофлора инсон иммун тизимининг 70 фоизини

ташқил этади. Энди антибиотиклар таъсири остида инсон ҳимоя тизими қанчалар кучсизланиб кетишини тасаввур қилиб кўринг. Оддий бир мисол келтираман: тиш пасталарида антибиотиклар бор. Ундан фойдаланган инсон оғзидаги микрофлорани ўлдиради. Натижада инсон тишлари чирий бошлайди. Бугунга келиб, инсонларда соғлом милк умуман қолмаган ҳисоби!

Милк тана учун зарур бўлган моддаларни ишлаб чиқарувчи ичакка таъсир кўрсатади.

Ана шунинг учун барчада витамин етишмаслиги ва камқонлик кузатилади.

Инсонларнинг барчасида иммун тизими ё ўта кучсиз ё-да умуман ишламайди. Нима учун?

Чунки, ҳамма антибиотикдан фойдаланади!

Инсонлар антибиотикдан фойдаланмаса, ҳалок бўлишади, деган гаплар ёлғондан бошқа ҳеч нарса эмас. Чунки, ўлим фақат ва фақат ажалга боғлиқ. Инсонга берилган энергия энергиянинг сочилиб кетишидир. У тамом бўлдимми, у ҳалок бўлади. Буни «ажал» дейишади. Физикада бу «энтропия» деб аталади. Барча физик танада маълум энергия мавжуд бўлади. У сочила бошлаганида, тана парчланади ва мавжуд шаклдан бошқа бир шаклга ўтади. Буни «ажал» дейишади.

Би-би-си: Сиз органларни кўчиришга ҳам қарши чиқасиз. Лекин, автохалокатда ҳалок бўлган инсон юрагини юракка эҳтиёжи бўлган бир инсонга кўчиришнинг нимаси ёмон?

Ойдин Солих: Жуда мураккаб савол. Чунки, у ҳаётнинг маънавий жиҳатини ҳам қамраб олади.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мен ёнимга шифо топиш учун келганларга оддий даволаниш усули — организмни тозаланиш тавсия қиламан. Агар улар нафақат жисмоний шифо, балки жисмоний ривожланишни ҳам исташса, унда очлик қилишни сўрайман. Чунки, очлик инсон танасидаги ҳаром моддаларни, яъни истеъмоли ман қилинган моддаларни эритиб ташлайди.

Биз танасига бошқа инсон органи кўчириб қўйилган одамлар ҳаёти билан қизиқамиз.



замонда шунча кўп янги нарсалар чиқадики, инсонлар буларни нима қиламиз деб, уламога мурожаат қиладилар. Улар келиб қарашса, уламолар чўчка ваё маймунга айланишган». Бу ҳадисни ўқиганимда «инсон қандай қилиб, маймун ва чўчкага айланиши мумкин,» деб хайратга тушгандим. Бу жуда оддий экан. Мисол учун, эмлаш ёки ирсий ўзгартирилган дориларни олайлик. Улар фақат чўчка ва маймунлар ДНКсидан олинади. Энг кўп чўчқаникидан олинади. Чунки, инсон тўқимасига энг кўп чўчка тўқимаси тўғри

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ХАТОЛАРГА АСОСЛАНГАНМИ?

Бирининг айтишича, унинг онаси жигари алмаштирилгач, бутунлай бошқа бир инсонга айланган.

Айланади-да! Чунки, жигар инсонларда минглаб, баъзи Ислом уламоларига кўра, миллионлаб гормонларни чиқаради.

Гормонлар барча жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланишни шакллантиради. Жигарини алмаштирган инсон, бошқа инсоннинг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатларини ўзлаширади. Менинг ёнимга бир қиз келди. Унга ўз отасининг буйрагини кўчириб қўйишган.

Буйрак жинсий гормонлар ишлаб чиқаришни назорат этади. Натижада, бу қизда эркактарники сингари ҳиссиётлар пайдо бўла бошлаган. Унда аёлларга қизиқиш пайдо бўлган. Аввал бу қиз ўта такводдор бўлган, энди бўлса, инсон унинг аҳволини тилга олгиси ҳам келмайди!

Тана органлари кўчириб қўйилган инсонларда қандай ўзгаришлар юз беришини ҳеч ким кузатмаган. Австралияда тўққиз ёшли қизалоққа бошқа жигар қўйишгач, унда ҳаттоки қон гуруҳи ҳам ўзгариб кетган. Бу ишониб бўлмас ҳодиса-ку!

Бу ҳақда кейин бутун дунё гапирди. Яна қандай ўзгаришлар бўлишини ҳали яна тадқиқ этиш керак бўлади. Лекин буни ҳеч ким ўрганишни истамайди. Исломда, умуман олганда, тана органларини кўчириш тақиқланган. Бу ҳақда ҳадис ҳам бор. Муҳаммад алайҳиссалом дейдилар: «Тирик одамга жисмоний озор бериш қанчалар гуноҳ булса, худди шу шаклда, ўликка ҳам озор бериш шунчалар гуноҳдир. Чунки, ўликларда ҳис қилиш тирикларга

нисбатан 70 баравар кўпроқдир».

Би-би-си: Буни қандай тушунса бўлади?

Ойдин Солиҳ: Яъни, инсон ўлса, бу унинг ҳис қилиши йўқолди, дегани эмас. Исломда инсон ўлгач, жасадни ювишади. Ғасол майитнинг ҳар бир тана аъзосини ўта эҳтиёткорлик билан ювади, уни эҳтиёткорлик билан ўгиради. Чунки, ўлик тирикка нисбатан оғриқни етмиш марта кўпроқ ҳис қилади.

Би-би-си: Ислом олимлари сунъий уруғлантириш йўли билан фарзанд кўришга изн беришади. Агар фарзанд кўрувчилар шаръий никоҳга эга бўлсалар албатта. Лекин, сиз сунъий йўл билан ҳомилалikka қаршисиз. Бу кўз қарашингизни изоҳлаб берсангиз...

Ойдин Солиҳ: Ҳа, албатта. Қуръони Каримдаги «Моида» суърасининг 60-оятда Аллоҳ шундай буюради: «Айтинг: «Сизларга Аллоҳнинг хузурида (яъни Қиёмат Куниди) бундан кўра ёмонроқ «савоб» (жазо оладиган кимсалар) ҳақида хабар берайми? Улар Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлган, ғазабига гирифтор бўлган ва маймун, тўнғизларга айлантириб қўйилганлар ҳамда шайтонга қул бўлган кимсалардир. Ана ўшалар энг ёмон мартабада бўлган ва бутунлай Тўғри Йўлдан озган кимсалардир».

Баъзилар бу оятни «Аллоҳ мусулмонларга эмас, яҳудий ва насронийларга айтди,» — деб ўзларини алдайдилар. Аллоҳнинг бу нуктада улар билан иши йўқ, Аллоҳ мусулмонларга айтаяпти бу гапни, чунки мусулмонлар «ияка наъбуду, ва ияка настайн» дейишадию, аммо ёлғон сўйлайдилар. Яна Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар: «Охир

келади. Тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқаришда чўчка ва маймун ДНКсидан фойдаланилади.

Ирсий йўллар билан ўзгартирилган дорилар инсонлар хулқ атворига таъсир этмай қолмайди. Хўш, мен нега сунъий ҳомила билан фарзанд кўришга қаршиман?

Сабаби, ҳомилалик етти парда ортидаги сирдир. Уруғлантириш муҳаббат ва ўзаро ҳурмат йўли билан амалга оширилиши керак. Эр-хотин ёлғиз бўлишлари ва уларни ҳеч ким кўрмаслиги шарт. Ва бу нарса кўрпага ёпинган ҳолда бўлиши шарт. Фарзандлар хайрли бўлиши учун дуо ўқилиши шарт. Энди бўлса сунъий ҳомилаликни олайлик: эркак киши алоҳида хонага киритилади, порнографик филм ва унга мос мусиқа қўйилади. Сўнгра ундан истимноъ йўли билан нутфа олинади. Айни пайтда аёл кишини генетикологик ҳолатда ётқишилади ва ундан синтетик гормонлар воситасида тухум олинади.

Синтетик гормонлар таъсирида етишган тухумни қандай қилиб табиий тухум дейиш мумкин?!

Бу жараённинг ўзи аллақачон бўлажак боланинг жисмоний ва маънавий рафтори устидан назорат ўрнатади. Аввал бошдан болага нисбатан қилинган хато энг оғир хатодир. Чунки, бу барча жараёнларга таъсир кўрсатади. Салбий таъсир инсон танасининг барча тўқималарига бўлади. Сунъий ҳомилалик боз устига шифокорлар ҳамширалар ҳамда талабалар кўз ўнгида юз беради. Бу шунчалар жирканч бир жараён.

Энди айтинг, пробиркада етишган фарзанд натижада кимга айланиши мумкин?

Манба: [bbc.co.uk](http://bbc.co.uk)



## Каримов Путинга нима демоқчи?

*Каримовнинг 9-май кунда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатдан парча:*

*(Аввалига сўзма-сўз)*

Одам яшаганда фақатгина қорнини тўйдириш учун яшамайди. Керак бўлса, янги-янги уфкларга отланиш керак, белини маҳкам боғлаб, мана ман борман, деб майдонга чиқишга тайёр бўлиб туриш керак.

Мана шунақа, айтайлик, болаларни, мана шундай фарзандларимни ман, ўзимни фарзандларим, деб кўп гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман.

Нима деганда... бундай авлодни тарбиялаш, 22 йил, мана 23 йил бўлади, насиб этса, шундай халқни тарбиялаш, бу бир кунлик иш эмас, барака топгур. Бунақа халқни тарбиялаш – авлодни тарбиялаш, дегандай. Мана энди, мана бундай авлоднинг биринчи сонини, бизлар, айтайлик, тарбияладик, ҳозир тарбиялаб чиқараяпмиз.

Фараз қилинганлар, мана шу пайтда 22-23га кирганлар айни шу пайтда туғилган, эски замонни билмайди. Ҳаммаси, айтайлик, компьютер бўладими, бу англиз тили бўладими, бу чет эл мамлакатларидаги ўзининг тенгдошлари билан беллашув бўладими.. А спортни айтмайсизларми?!

Шуни кўрганда одам беихтиёр ғурурланиб кетади. Саниям меҳнатинг бор бунақа ишларда. Мана шундай хислатларга, мана шундай фазилатларга, хусусиятларга эга бўлган ва интилаётган болаларни тўхтатиб бўладими?!

Бир кимдир ўйласин ва кимдир шундан хулоса чиқариб, афсона гапларни йиғиштириб, бу халқни ҳурмат қилиш керак.

Бу халқ билан доимо дўстона алоқа боғлаш керак.

Бу халқ билан дўст бўлсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан. Йўқотмайсан, фақат топасан, деган ақли расо бўлса агар (кулади), ман ўйлайманки, шундай хаёлда бўлган гаплар билан, керак бўлса, фикр билан яшайдиган бўлса

агар, кам бўлмайди, демоқчиман.

*(Энди жаноб Каримов чиқиши ҳақиқий шарҳи)*

Россияда ишлаётганлар, фақат қорнингизни тўйдириш учун Ўзбекистон мустақиллигига хиёнат қилманг. Келажак ҳақида ўйланг.

Керак бўлса, ажнабийлар бостириб кирмоқчи бўлсалар, “майдонга чиқишга” шай туринглр.

Ана шундай фуқароларни мен севаман. Улар мен учун ўз фарзандим каби.

22-23 йил ичида мустақиллик ғоясини химоя қилишга тайёр бўлган бир авлодни етиштирдим. Улар Совет тузумини умуман билишмайди.

Шундай авлодларни етиштирдимки, улар хорижий тилларни яхши билишади, замонавий технологиялардан бохабар.

Айниқса спортда катта ютуқларга эришишмоқда улар. Шундай ёшлари бўлган мамлакатни босиб олиш имконсиз! Путин яхшилаб ўйласин ва шундан хулоса чиқарсин.

“Ўпчакларни йиғиштириб,” ўзбек халқини пас кўрмай, ҳурмат қилсин.

Ўзбекистон билан доимо дўстона алоқа боғласин!

Путин мени ўзига душман деб билмаса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Путин!

“Йўқотмайсан, фақат топасан! Агар руҳий касал бўлмасанг (кулади; соғ эмассан чунки).

Агар дўст бўлмоқчи бўлса, яхши, бўлмаса, бундан Путиннинг ўзи зарар кўради Ўзбекистон эмас, демоқчиман!

**Сирожиддин Толибов**  
facebook.com саҳифасидан  
олинди

## Наманганлик Қрим татари Путин ҳукумати томонидан уриб ўлдирилди

Илгариги мақолаларимизда Қримдан ота-онасини кўргани келган, асли Наманганлик Руслан Наимовни Қримдаги воқеаларга нисбатан муносабатини берган эдик. Руслан руслар Қримни босиб олмасидан олдин қриндошларини олдига бориб ишлаб юрган.

Унинг отаси Ҳасан акани айтишича Руслан Қримга кетгач у ерда Русларни уларга қўшилмаган татарларга нисбатан зулмига қарши чикқан. Шу иши учун Путин сиёсатига ҳизмат қилаётган миллатчи груҳлар Русланни уриб, ёнига пистолет ва ўқ-дорилар солиб, полицияга “Этот мусулманский террорист, убейте его !”, деган.



Полиция ходимлари Русланни ваҳшийларча калтаклаб ўлдиришган.

Ҳозир Русланни акаси Марат ва отаси Ҳасан акалар Русланни жасадини олгани кетишди.

Ҳасан акани айтишича Қримдаги ва руслар қурол билан ноқонуний равишда босиб олган жойлардаги вазият рус матбуоти кўрсатаётгандек эмас. Путин ҳукумати воқеаларни фақат ўз сиёсатидан келиб чиқиб ёритапди.

Сиёсатига қўшилмаган кишиларни Путин томонидан тиш-тирноғигача қуроллантирилган миллатчи груҳлар қурол билан уларни кўрқитиб, ўз томонларига ўтишга мажбур қилишмоқда.

Кўриниб турибди-ки халқаро жамоатчилик Россияга қарши қаттиқ санкцияларни тезроқ қобул қилмаса, Путин бутун Украинани қонга белашда давом этаверади.

**Носир Зокир ЎИХЖтининг**  
Фаргона водийсибўйича  
мувофиқлаштирувчиси.  
**Зоҳиджон Зокиров ЎИХЖ нинг**  
Наманган вилоятибўлими раиси



(Давоми: Боши олдинги сонда)



**Каъба устига ўрнатилган ўртуклар кимлар тарафидан қилинди ва қандай ўрнатилди?**

7. Ҳазрати Аббос бин Мутғалибнинг онаси (524) Нутайла бинти Жаноб, бин Қулайб, бин Малик, бин Амр, бин Амир, бин Намр, бин Қасит (525) ягона ўғли Аббосни кичкиналигида йўқотгани ва агар уни топса, Каъбага ипак ўртук ўртаман, деб аҳд қилгани. Нутайланинг ўғли топилди ва у Каъбага аталган ипак ўртуғини ўртди (526).

8. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вояга етган чоғларида (527) бир хотин Каъба ҳарамидаги буғ қозонига ўтин ёқаркан, сачраган учкундан Каъбага ёпилган қат-қат ўртуклар ёниб кетгани (528).

Пайғамбаримиз 35 ёшларида эди (529), қурайшлилар Каъбани йиқиб, янгидан тикладилар ва устига хибарот-и иймония деб аталган чизгили газмол ўртдилар (530).

9. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳижратнинг ўнинчи йилида, “Видо ҳажжи” пайтида (531) Каъбага Яманда ишланган чизгили ўртук ёпди (531).

10. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўнгра Ҳазрати Абубакр Каъбага ўртук ўртди (533).

Ҳазрати Абубакрнинг ўртган ўртуғи Мисрда тўқилган, юпка оқ газмол бўлиб, қаботи дейиларди (534).

11. Кейин Ҳазрати Умар ўртди (535). Унинг ўртуғи ҳам қаботи жинсли эди (536). Ҳазрати Умар ҳар йил Мисрга хат ёзиб, у ерда Каъба учун махсус қаботи газмолидан ўртук тиктирарди, пулини Байтулмолдан тўлар эди (537).

12. Ҳазрати Умардан кейин халифа бўлган Ҳазрати Усмон ҳам Каъбани қаботи газмоли билан ўртди (538) ва у ҳам ўртукни Мисрда тўқиттирди. Каъба бир марта Яман волиси Яҳё бин Мунаббих амри билан келтирилган бурудий Яманий газмоли билан ўртилди (539).

13. Амавий халифаларидан Муовия бин Абу Суфён (60-ҳижрийда вафот этди) Каъбага икки марта икки хил ўртук ёптирди. Буларнинг битгаси қаботий, иккинчиси атлас ўртук эди. Атлас ўртук Каъбага ашура кунида, қаботи ўртук эса рамазоннинг сўнг куни, байрам учун ўртилгани (540).

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

14. Амавий халифаларидан Язид бин Абу Суфён (64-ҳижрийда вафот этди) Каъбага хусравоний атлас ўртук ўртди (541). 15. Абдуллоҳ бин Зубайр (74-ҳижрийда вафот этди) халифа бўлганда укаси Муслим бин Зубайрга хусравоний атлас ўртук йўллаб, уни Каъбага ўрттирар эди (542). 16. Амавий халифаларидан Абдумалик бин Марвон (86-ҳижрийда вафот этди) ҳар йил Каъбага атлас ўртук юборар эди. Бу ўртуклар аввал пайғамбаримиз саллаллаҳу алайҳи вассалламнинг Мадинадаги масжиди устунлари орасига ёйилар ва бир кун сўнгра Маккага йўлланлар эди (543).

17. Каъбага ҳар йил бири атлас, иккинчиси қаботий газмол — икки хил ўртук ўртиларди. Атлас арафа кунидан бир кун аввал осилиб, рамазоннинг 27-сигача турарди, кейин байрам учун қаботий ўртилар эди (544). 18. Аббосий халифаларидан Маҳдий (169-ҳижрийда вафот этди) ҳижратнинг 160-йилида ҳажга келганида унга қат-қат ўртуклар Каъба деворларига оғирлик қилиб уларни чўктириши мумкинлигини айтдилар. Маҳдий бутун ўртукларни олдириб ташлаб, деворларга хушбўй миск ва анбар сурттирди, деворларни бўятди ва устини янги тўқилган қаботи газмоли, денгизли қўчқори юнгидан ва атласдан учта ўртук ёптирди.

Ҳижратнинг 200-йилига қадар Каъбанинг ўртуклари энгиллаштирилмади (545).

19. Ҳижратнинг 200-йилида Макка ҳокими Ҳусайн бин Ҳасан-ут Толибий Каъба устидаги ўртукларнинг залвори деворларини таҳликага қўяётганини кўриб,

Каъбадан бутун ўртукларни олиб ташлади ва энгил ва юпка ипакдан тўқилиб, устига “Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм” ва “Саллаллоҳу аъло Муҳаммадин ва аъло аҳли байтиҳит-тобиййин-ат-тоҳирин-ал-аҳёр” деб ёзилган сариқ ва оқ рангдаги икки ўртук ўрттирди. Худди шу шаклдаги ўртуклар ҳижратнинг 244-йилигача ўртилишда давом этиб, 170 та ўртук бирикди (546).

20. Аббосий халифаларидан Маъмун (218-ҳижрийда вафот этди) Каъбани оқ атласдан ўртук ўрттирди (547).

21. Аббосий халифаларидан Жафар-ул Мутавакқил (247-ҳижрийда вафот этди)

Қаботий ўртуғининг узатилишини амр этди (548). 22. Ибн Абд. Роббих (328-ҳижрийда вафот этди) Каъбанинг Ҳожар-ул асвад руқини истисно қилганда, бутун тарафи ўртилганлигини билдирди (549).

23. Ҳижратнинг 466-йилида Абунносир Асаробозий Каъбага ҳинд газмоли бўлган оқ атлас ўрттирди.

24. Айни йилда (550) Султон Маҳмат Сабуктекин тарафидан Каъбага сариқ атлас ўртилди (551).

25. Султон Маликшоҳ бин Алпарслон Салжуқийнинг вазири Низомулмулк (485-ҳижрийда вафот этди) Каъбага ҳинд газмоли яшил ўртук ўрттирди (552).

26. Ҳижратнинг 532-йилида Шайх Абулқосим ҳам Каъбага хибарат ва бошка хил ўртуклар ўрттирди (553). 27. Аббосий халифаси Носир замонида (575-ҳижрийда вафот этди) Каъбага аввал яшил, кейин қора ўртук ўртилди. Ва шундан кейин давомли қора ўртук ўртиш удум бўлди (554).

28. Ҳижратнинг 640-йилида қаттиқ шамолдан Каъба ўртуғи йиртилди. Яман малики Мансур ўртук ўртишни истади, аммо бу иш халифага оид дея, унинг ташаббуси ҳавода қолди ва Маккага қорага бўялган пахта беги осдилар (555).

29. Аббосийлар зайифлагач, Каъбанинг ўртуғи баъзан Миср, баъзан Емандан кела бошлади. Кейин фақат Мисрдан келадиган бўлди (556).

30. Мисрда ҳар сафар қирол ўзгарганда, Каъбага қизил ипак ўртук йўлланарди (557). 31. Қироллардан Яман қироли Малик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Музаффар, Аббосийларнинг хилофати тугагандан кейин, 659 ҳижрийда Каъбага илк ўртук ўртди.

32. Ҳижратнинг 661-йилида Мисрнинг турк қироли Малик Зоҳир Байбарс ҳам Каъбага ўртук ўртган қироллардан илки эди (558).

33. Ҳижратнинг 473-йилида Солиҳ Исмоил бин Носир бин Муҳаммад бин Қилавун ҳам ҳар йил Каъбага ўртук ўртишни ўз зиммасига олди (559) 34. Қирол Солиҳ Исмоилнинг укаси Носир Ҳасан ҳам ҳижратнинг 761-йилида ўртукнинг пастга осилган ярмидан кўпини ўз зиммасига олди (560).

35. Усмонли подшоҳларидан Ёвуз Султон Салим ҳижрий 923-йилда Миср ва Ҳижозни ҳукми остига олиб, ўз исмига хутба ўқилгандан кейин, сўнгги Аббосий ҳалифаси Мутаваккил учинчини Истанбулга олиб келди ва ҳалифаликни ундан қабул қилиб олди (561). Ва Каъбанинг ички ўртугини юборишни ўз устига олди, ташқи ўртугини эса Мисрга тайёрлашни топширди (562). 36. Усмонлилар Мисрни ўз тўпроқларига қўшиб олганларидан кейин Қонуний Султон Сулаймон ҳижрий 947-йилида Малик Мансур Қиловуннинг Каъба

ойдинлатадиган катта-кичик чироклар қўйиш ва Каъбанинг ич ўртуги ва Масжид-и Набавийн ўртугини, Каъбанинг хушбўй атрлари, анбар ва гулсувлари таъминотини ўз зиммасига олди.

Каъбанинг ўртугларини боғлайдиган иплар ҳар йил Шом почтаси воситаси билан жўнатилиб турди. Каъбанинг ташқи ўртуги эса Мисрга топширилди. Миср Ҳижратнинг 1118- йилига қадар Каъбанинг ташқи ва ич ўртугини тўқишда давом этди (565).

Ҳижратнинг 1213- йилида Наполеон Банопарт Мисрни ишғол этди ва Миср ўртукни тайёрлай олмади ва уни Истанбулда Султон Аҳмад Жомийси ҳовлисида тўқиб, Маккага йўлладилар (566).

40. Саудийлардан Абдулазизнинг ўғли Буюк Сууд Ҳижозга киргандан сўнг Мисрликлар Каъбага ташқи ўртук тайёрлаб беришни тўхтатдилар. Шундан кейин Сууд бин Абдулазиз ҳижратнинг 1221-йилида Каъба устига қизил ипақдан ўртук ёпди. Кейинги йилларда у Каъбани қора қайло ва атлас билан ўртди, эшик ўртугини эса кумуш ва олтин билан безатилган қизил ипақдан қилдирди. 41. Усмонли подшоҳлари Султон Абдулазиз даврига қадар — 1277 гача, Каъбанинг ич ўртугини

Суудийлар хонадони ва Файсол оиласидан қирол Абдулазиз Маккага ҳоким бўлгач, Мисрдан келтирилиши керак бўлган ўртук уруш туфайли кечиктирилиб, Аҳсада янги ўртук тиктирилди.

46. Ҳижратнинг 1344- йилида уруш тугади, Каъба ўртуги яна Мисрдан кела бошлади.

47. 1345- йилида Миср ва Саудийлар ўртасида ихтилоф чиқиб, ўртук нақлиёти яна тўхтади. Шу баҳона қирол Абдулазиз зулҳижжа ойининг бешинчи кунини қийматли бир ўртук тўқилиши учун буйруқ берди. Қийматли газмолдан қора рангли бир ўртук ҳозирланди.

48. Ҳижратнинг 1346- йилида қирол Абдулазиз Ажд маҳалласида Каъбага ўртук тўқийдиган бир тўқимачилик корхонаси қурди. Ўз мамлакатада яхши тўқувчилар бўлмаганидан уларни Ҳиндистондан олиб келди. Бу тўқувчилар 1352- йилигача тўқиш билан шуғулландилар. Ва шу йилдан эътиборан маҳаллий тўқувчилар ишни ўз қўлига олдилар (567).

### Каъбанинг исирик ва атир билан хушбўйлантирилиши

Каъбага ўртуклар билан бирга атирлар, хушбўй хидли миск, анбар ҳам ҳадя этиларди, Макканинг ҳавоси шу тахлит гўзаллаштирилди (568).

Каъбанинг ҳавосини гўзаллаштириш вазифасини биринчи марта Муовия бин Абу Суфён таҳсис этди.

Ҳаж мавсумида ва ражаб ойда Каъба учун хушбўй хидларни ёйиш усталари вазифалантирилдилар. Улардан кейин келганлар ҳам бу ишни давом эттиришди (569).

Ҳалифа Абуллоҳ бин Зубайр, Каъбага ҳар кун бир ботмон, жума кунлари эса икки ботмон исирик ёқтирар эди (570). Каъбанинг ич қисмига илк даъфа атир сурттирган Абдуллоҳ бин Зумар эди (571).

Амавий ҳалифаларидан Абдулмалик бин Марвон Маккага исирик ва атир жўнатиб турарди (572). Турк султони Ёвуз Султон Салим ҳижратнинг 923-йилида Миср ва Ҳижозни ўз ҳокимияти остига олиб, ўз исмига хутба ўқитгандан сўнг ва сўнгги Аббосий ҳалифасидан ҳалифаликни қабул қилиб олгандан кейин Каъбанинг ич ўртуги каби (573), унинг учун атиргул суви, анбар ва ҳақозаларни юбора бошлади (574).

(Давоми келгуси сонда)

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

ўртуги учун вақф этган икки кишлоқ даромадидан бошқа яна еттита кишлоқ даромади қадар маблағ вақф этди ва яна Малик Мансурнинг ҳароб кишлоқларини имор этди, тиклади (563).

37. Усмонли подшоҳлари (икки ҳарам хизматкори — ходим-ул ҳарамайн) унвонини олгандан кейин, ҳар султон тахтга чиққанда, Каъба-и муаззама билан равза-и мутохҳаранинг ўртукларини янгилашни одат қилдилар. Бу ўртуклар Мисрда тўқилиб, юборилар эди. Султон Аҳмад тахтга чиққанда бу ўртукларни Истанбулда, мисли кўрилмаган шаклда тўқиб тайёрлашни амр этди. Қирқ саккиз минг дирҳамлик ипақдан минг олтмиш зиро ўртук ишланиб, бир ҳайъат рафоқатида Маккага юборилди. Равза-и мутаҳҳара билан Ҳазрати Фотиманинг маркодининг ўртуги ҳам Истанбулда тўқилиб, юборилди (564). 38. Усмонлилар Миср ва Ҳижозга ҳоким бўлгандан сўнг, Каъбанинг ичи ва ташқарисини, масжиди ҳарамдаги мақомларни

Истанбулда тайёрлаб, жўнатиб турдилар. Султон Абдулазиздан сўнгра бу иш тўхтади. Унинг 1277- йилида юборган уч ўртуги Каъба ичида бугун ҳам осифлик турибди.

42. Турк Усмонли давлати Ҳижоз минтақасига янгидан ҳоким бўлгандан кейин Каъбанинг ташқи ўртуги яна Мисрдан келтирила бошлади ва бу ҳижрий 1334- гача давом этди. 43. Ҳижрий 1334- йилида Шариф Ҳусайн бин Али Усмонли давлатига қарши исён кўтариб, мустақиллигини эълон қилгач, Миср ҳукуматининг Маккага юбораётган ўртуги Жиддадан қайтариб юборилди.

Фақат ўртадаги ихтилоф бартараф қилинган, ўртук яна Мисрдан келишга давом этди.

44. Усмонли давлати 1334-йилида Маккага янгидан ҳоким бўлгач, генарал Шариф Ҳайдар пошо воситасида юборилган ўртук 1341- йилигача Мадинада қолган эди, қирол Хусайн уни Мадинадан Маккага олиб келди ва у билан Каъбани ўрттирди.

45. Ҳижратнинг 1343- йилида



## Ўзбекистон хавфсизлик сабабли Афғонистонга нефт махсулотлари транзитини чекламоқчи

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси Афғонистон учун мўлжалланган рангли нефт махсулотларини ортилган вагонларни қабул қилишни қисқартиради. Бу ҳақда давлат акциядорлик компаниясининг ахборот хизмати хабар тарқатди.

Компания маълумотларига кўра 2014 йилнинг апрель ойидан бошлаб МДХ темир йўл станцияларидан Афғонистонга нефтдан олинган махсулотлар ортилган вагонлар сонининг кескин ортганлиги кузатилган. Бироқ ушбу юкларни туширадиган темир йўл станцияларининг имкониятлари бу каби йирик миқдордаги вагон-цистерналарни ўз вақтида қабул қилишга етмайди. Бундан ташқари, баъзида Афғонистондаги нефт махсулотларига бўлган нарх наво кўтарилгунича махсулот эгалари юкларинистанцияомборхоналарида сақлашга топширишади. Бу ҳам ўз навбатида станцияда омборларида юк тушириш учун бўш жойлар қолмаслигига олиб келмоқда. “Шу сабабли ҳам транзит вагонлари темир йўл станцияларида ва унинг атрофида жойлашган “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК полигонларида туриб қолмоқда”, – дейилади хабарда. Компания маълумотларига кўра 5 май ҳолатига кўра 783 цистерна Афғонистонга жўнатилган нефт махсулотлари юклари станцияларда тўпланиб қолган. Бундан ташқари, темир йўл полигонларида Афғонистон ҳудудига ўтказилишини кутаётган юклар ҳам 421 цистернага етган. Шу билан бирга суткасига 30 цистернадан айна йўналишдаги нефт махсулотлари келишда давом этмоқда. “Мавжуд вазиятда ўтказилаётган юкларнинг ҳаракати ва сақланиш хавфсизлигини таъминлаш масаласи бизда ҳавотир уйғотмоқда”, – дея таъкидланади хабарда. Шу сабабли ҳам вазият янада мураккаблашининг олдини олиш мақсадида, поездлар ҳолати ва мавжуд салбий омилларнинг бартараф қилиниши ҳамда юкларнинг ўз вақтида Афғонистонга етиб боришини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК Афғонистон Ислום республикасида ўтказилаётган нефт махсулотлари ортилган вагонлар сонини чеклаш бўйича чоралар кўришга мажбурлиги айтилади.

UZBEK.FM

Қирғизистонда энергетика соҳаси масъуллари электр энергияси истеъмоли учун “ижтимоий нормалар”ни жорий қилиш ташаббусини кўтариб чиқишди, деб ёзади news-asia.ru.

Бунга сабаб мамлакатдаги электр таъминоти тизимининг жуда ачинарли аҳволда эканлиги айтилади. Бугунги кунда Қирғизистондаги электр энергиясини тарқатиш



## Қирғизистон аҳолининг электр энергияси истеъмолига чеклов ўрнатмоқчи

тизимларининг 50%игина ишга яроқли. Бу эса соҳа ваколатларини ҳавотирга солиб қўйган.

Мутахассисларнинг фикрича агар вазият шу зайлда давом этадиган бўлса аҳвол янада мураккаблашиб боради. Қирғизистон энергетика вазирлиги мавжуд вазиятни ҳозирда электр энергияси истеъмоли учун амалда жорий қилинган тарифларнинг номуносивлиги билан изоҳлайди. Уларнинг ҳисоб қилишича соҳадан кўрилаётган даромад унга сарфланаётган сарф-харажатларни қопламайди. “Мамлакатнинг 67% аҳолиси учун электр таъминоти учун тўловлар олдингидек бир

киловатт-соатига – 70 тийин (1,3 цент) бўлиб қолади. Аҳолининг ушбу қатлами истеъмолчиларнинг “ижтимоий норма” тоифасига киришади. Улар учун электр энергиясидан фойдаланиш чеклови ёз мавсумида 300 кВтс, кишда эса 600 кВтсни ташкил қилади.

Ушбу нормадан ортиқ электр энергияси истеъмол қиладиганлар 1,2 сомдан (2,2 цент) тўлашади”, – дея таъкидлайди Қирғизистон энергетика вазирлиги қошидаги ёқилги-энергетика комплексини тартибга солиш бўйича Департамент бошлиғи Миргуль Айдарова.

UZBEK.FM

## Қирғиз чегарасидаги тўқнашувда ўнлаб одам жароҳатланди

7 май чоршанба кунини Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегарасида икки мамлакат фуқаролари ўртасида келиб чиққат можаро тўқнашувга айланиб кетган. Бу ҳақда Боткент вилояти Ички ишлар бошқармаси маълумотида таяниб “24.kg” хабар беради. Натижада ўнлаб одамлар жароҳатланган.

Қирғизистон ИИБ маълумотида кўра чоршанба кун 8 майга ўтар кечаси Боткент туманининг Ўрта Бўз қишлоғида 200 тача маҳаллий фуқаро тўпланган.

“Иккинчи тарафдан Тожикистоннинг Хўжали қишлоғидан ҳам одамлар йиғилган. Улар ўртасидаги оғзаки бир-бирини ҳақоратлашлар муштлашувга айланиб кетган. Натижада томонлар бир-бирларига қарата тош ота бошлашган. Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари низони тўхтата олишмаган ва ўқ отар қуролдан

осмонга қарата ўқ узишга мажбур бўлишган”, – дея таъкидлайди ИИБ вакили. Маълум бўлишича можаро оқибатида 30 га яқин Қирғизистон фуқароси жароҳат олган, 10 таси касалхонага ётқизилган. Тожикистон томонидан жароҳат олганлар тўғрисида Қирғизистон ИИБ маълумотга эга эмас.

Таъкидланишича низо Тожикистон фуқароларининг яна Исфара-Ворух йўлини тўсиб қўйишга уринишлари оқибатида келиб чиққан. Аввалроқ тўқнашув пайтида Боткент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосарининг калтаклангани ҳақида хабар берилганди. Бироқ, ички ишлар бўлимидагилар бу маълумотни рад қилган. Шу билан бирга Қирғизистондаги магазинлар ва автомобилларнинг ёқиб юборилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз тасдиғини топмади.

UZBEK.FM





астрономия фанини ўқитиш услуги”, “Кимё фанини ўқитиш услуги”, “Физика”, “Иқтисодиёт”, “Солиқ ва солиққа тортиш”, “Электроника ва асбобсозлик” ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир. Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда (3,1 балл даражасида баҳоланади) мутахассислик

технологиялари” (соҳалар бўйича), “Ахборот хавфсизлиги” (соҳалар бўйича), “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” (соҳалар бўйича), “Энергетика”, “Автомобил ва тракторсозлик” кабилар мисол қилиш мумкин.

Таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, жумладан, 22 йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта кўриб чиқилди. “Геофизика”, “Кончилик иши”, “Нефт ва газ конларига ишлов

## Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари тизимига ўзгаришлар киритилди

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовлари тартиби ва тизими тубдан янгиланган.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (ДТМ) директори Жаҳонгир Исмоилов ЎЗАга берган интервюсида маълум қилган.

Жаҳонгир Исмоиловнинг таъкидлашича, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари тизимига янгиланган киритилган.

Давлат раҳбарининг 2014-йил 30-апрелдаги қарорида белгиланган вазибалардан қелиб чиқиб, 2014-йил 1-майда Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтган ва тегишли масалалар муҳокама этилган.

Мажлисида маълум қилинишича, 2014/2015-ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовларига математика фани ҳам киритиладиган 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кутилмоқда.

Чунончи, “Математика фанини ўқитиш услуги”, “Физика ва

бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилишда тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиланган борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

ДТМ директорининг қайд этишича, Президентнинг 2012-йил 10-декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан 2014-йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилади.

Чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 га етади.



Жорий йилдан чет тили киритиладиган таълим йўналишларига “Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси” (транспорт турлари бўйича), “Радиоэлектрон ускуналар ва тизимлар” (соҳалар бўйича), “Телекоммуникатсия”, “Информатика ва ахборот

бериш ҳамда улардан фойдаланиш”, “Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари” (соҳалар бўйича), “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” (соҳалар бўйича) ва бошқа йўналишларда фан блоклари ўзгартирилди.

Яна шуни қайд этиш керакки, жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан 20 га кўпайтирилди. Булар, масалан, “Механика”, “Геофизика”, “Кончилик иши”, “Нефт, газ ва кимё саноати технологияси”, “Электротехника, электромеханика, электр технологиялари” йўналишларидир.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони 18 тадан 21 га кўпайди. “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик”, “Зоотехния” (турлар бўйича), “Ветеринария” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Исмоиловнинг қўшимча қилишича, 2014-йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга кириладиган абитуриентлар тест синовидан ўтказиладиган фанлар бўйича савол ҳамда топшириқлар рўйхати ҳам қайта кўриб чиқилган.

Бунинг учун тест саволларини тузиш бўйича экспертлар гуруҳи таркибига олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, академик литсей ва касб-хунар коллежларининг 200 га яқин тажрибали ўқитувчиси, юқори малакали мутахассислар, илмий кадрлар жалб этилган.

ЎХХ ахборот бўлими

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Бошловчи: (Бу иш учун Ўзбекистондаги криминал авторитетларидан 2 млн АҚШ доллари олинди. Унинг ярми чеченларга тўланиб, қолган ярми Тошкентдаги интерпол директори Махмуд Хаитов ва ИИВ аксилтеррор бўлими бошлиғи полковник Ботир Турсу-

бўладиган бутун музокараларни ёзиб қайд этиб хужжатлар асосида бизга беришини ундан истадик ва шундай бўлиб чиқди”.

Маркелов : И так заказ был принят...

Я бы никогда не поверил в то, что Интерпол Узбекистана занимается координацией политических

Муминахунов: «Так...»

Хаитов: «Осмотр делают... он... документ ведь не будет лежать вечно где-то, правильно?... его ведь отдадут... его ведь отдадут хозяевам... чтобы хозяйева его... зарыли в сейф...»

Маркелов: “Мы располагаем точными датами и фамилиями лиц из Службы национальной безопасности и Интерпола Узбекистана, прилетавших в Москву накануне официального визита президента Каримова. Все эти, так сказать, агенты останавливались в гостинице “Рэдиссон-Славянская”. Здесь они встречались с посредником Бахромом Муминахуновым и обсуждали с ним вопрос передачи чеченцам денег на заказ. Сделка не состоялась, поскольку, у Муминахунова не было доказательства того, что Салих мёртв. Хотя, со слов узбекских интерполовцев информация об устранение лидера оппозиции уже была передана на верх, Президенту Каримову. Ребята чуть-чуть поторопились...”

“Речь идёт о том, что спецслужбы Узбекистана приняли участие в подготовке политического убийства. Каримовское окружение не в первый раз занимается физическим устранением неугодных. Несколько лет назад в Белоруссии Президент Александр Лукашенко рассказал мне весьма поучительную историю. 4 года эта запись лежала у нас в архиве. Мы сомневались в том, что такое могло быть на самом деле. Теперь уже сомнениям почти нет места”.

Президент Александр Лукашенко: «Каримов рассказал мне, что его покритиковал какой-то журналист, который работал там, я не помню, это был или его или скорее всего московский... Ну, он что-то там выпад какой-то сделал, не то что здесь был... Он говорит: «мы его достали в Москве и присыпали в Ташкенте... ужас...».

Бошловчи: Каримов Лукашенкога эътироф этган котиллик курбони журналист Сергей Гребенюк 1996 йилда ўзбек чекистлари тарафидан Москвада ушланиб, Тошкентда ўлдирилган.

### Прага имтихони

Бошловчи: Мухаммад Солих 2001 йилнинг 28 ноябрида «Озодлик» радиосининг таклифга кўра Амстердамдан Прагага учди. Прага аэропортида уни Ўзбекистоннинг

*(Давоми кейинги саҳифада)*

## ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

### *(Хужжатли фильм сценарийси)*

новлар орасида арра қилиниши керак эди).

Муминахунов: “После того как они уехали, меня вызвал один из первых людей и СНБ Узбекистана и структуры МВД, который сказал: «Ну ты же понимаешь, что существуют такие проблемы, что он террорист номер один для Узбекистана, который организовал все эти взрывы на территории Узбекистана. Мы предлагаем тебе, как гражданину Узбекистана, такую вещь, чтобы я занялся этой проблемой...»

Маркелов: В каком смысле занялся?

Муминахунов: Проблемой ликвидации...

Маркелов: Т.е. прошу прощения, вам предложили стать посредником между чеченцами и заказчиками, которые заказали Салиха?

Муминахунов: Да.

Маркелов: Вы сами усматриваете здесь прямую заинтересованность или прямые команды от Президента Узбекистана?

Муминахунов: Конечно, потому что такое решение например, ни министр МВД, ни начальник СНБ самолично принять не могут. Это не может быть их личные инициативы. И они этого не скрывают в разговоре со мной, они не скрывают, что это задание Первого лица, что это надо сделать, что это надо исполнить в сроки”.

Бошловчи: Чечен гурухнинг бошлиғи Хасан Чергизов суикасд таклифи ҳақида Мухаммад Солихга хабар берди. Солих унга «Ўйинни давом эттиринг» деди. Бу билан Солих режим жиноятини фoш қилишни режалаганди.

Сафар Бекжон (ёзувчи): “Бу йигит, суикасдчи ёлланган йигит Швейцарияга шу ерга келди, мен уни кутиб олдим. Бир ҳафтача уйимда турди. Бутун тафсилотларни ўргандик ва бундан кейинги бўладиган бутун телефон, юзма-юз гаплашувлар, Ўзбекистон ИИВ-да, СНБда ва бошқа одамлар билан

убийств. Невероятно но это факт. Сейчас вы услышите два телефонных разговора между Бахромом Муминахуновым и Директором Интерпола Узбекистана Махмудом Хаитовым. В первом случае речь идет о деньгах - о плате за заказ. Во втором случае Хаитов требует от Муминахунова доказательств того, что Салих мертв. В телефонном разговоре директор Интерпола Хаитов говорит о «Документе». Под «Документом» подразумевается труп - труп лидера оппозиции Мухаммада Салиха”.

Муминахунов: «Они беспокоятся по поводу денег. Они говорят что где-то в порядке трехсот пятидесяти...»

Хаитов: «Так...»

Муминахунов: «... надо будет личными... алло...»

Хаитов: «в Москве, да?»...

Муминахунов: «Да, в Москве... остальные на счёт...»

Хаитов: «Хорошо, нет проблем, ты их успокой, я сейчас поеду к шефу, в пять часов...тогда я ему... уже всё, нашли да?... значит...а можно пятьсот отдать налом?...»

Муминахунов: «Пятсот налом?...»

Хаитов: «Да... ну, в принципе нам разницы нету...»

Муминахунов: «Хорошо, я понял...»

Хаитов: «Документ нашёлся?...»

Муминахунов: «Да...»

Хаитов: «Хорошо, главное, что нашёлся...»

Хаитов: «Когда я говорю о документе я говорю о человеке, понимаешь, да?»

Муминахунов: «Я понимаю, да...»

Хаитов: «Я, не говорю, что к нам должен прийти какой-то документ... когда на место идут...находят...выходят компетентные органы, выходят...правильно...»

Муминахунов: «Так...»

Хаитов: «Компетентные... Устанавливают личность... допустим, там полиция, здесь милиция...»



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

талабига кўра хибсга олишди. Солиҳни бир вақтлар Юлиус Фучик ва кейинроқ Чехия президенти Вацлав Хавел ўтирган Панкрац турмасига қамадилар.

«Ассошейтед Пресс», шундай деб ёзди: «Озодлик» радиоси тақлифи билан Прагага келган ўзбек

тухматларининг асоссиз эканлигини исбот қилиш учун суд ягона имконият эканлигини ва бу имкониятни асло қўлдан бой бермаслигини айтди.

«Мен бу камерада қанча керак бўлса, шунча ўтириб, кутишга тайёрман, ўзбек ҳукумати мен ҳақдаги далилларни тақдим этсин, суд

## ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ

*(Хужжатли фильм сценарийси)*

мухолифати лидери «Интерпол» талабига кўра хибсга олинди».

Аммо дунё жамоатчилигининг кучли қаршилигига эътирозига қарамасдан, Прага шаҳар суди 30 ноябр куни Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистонга экстрадиция қилиниши эҳтимоли билан қирқ кунлик қамокка ҳукм қилди. 2001 йилнинг 1 декабрида «Нью Йорк Таймс» шундай ёзди: «Хюман Райтс Вотч ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича Ижрочи Директори Элезабет Андерсен Солиҳнинг ҳаёти хавф остида эканлигини айтди: «Агар у Ўзбекистонга топширилса, қийнаб ўлдирилиши мумкин».

Айни шу пайтда Норвегия Солиҳнинг тақдири борасида жиддий ташвишга тушиди ва Ташқи Ишлар вазирлиги даражасида ўзбек диссидентини озод қилиш учун дипломатик ишларни бошлади.

2001 йилнинг 3 декабр куни Норвегияда чиқадиган «Афтен Постен» газетаси шундай ёзди: Муҳаммад Солиҳнинг аёли Ойдин Солиҳ ва ўғли Темур Солиҳ Ослода яшайди. Улар оила бошлиғи ҳаётидан жуда хавотирда. Ойдин ўзини суратга олишимизни истамади. Бу оила 1993 йилда Ўзбекистонни тарк этган ва шу вақтга қадар оиланинг бутун ҳаёти таҳлика ичида кечган. Яна Темурнинг айтишича уни амакилари, отасининг уч укаси Ўзбекистон турмаларида гаровда тутилмоқдалар».

Хибснинг бешинчи кунида Норвегиянинг фавкулотда ва мухтор элчиси Лассе Сайм Солиҳ билан учрашди. Элчи Норвегия ҳукумати Солиҳни иш судга етмасдан қамокдан озод қилишга ҳаракат қилаётганини айтди. Чунки «экстрадиция хавфи хали ҳам юксак» деди элчи.

Аммо Муҳаммад Солиҳ судгача турмадан чиқмаслигини билдирди. Элчи Солиҳни вазиятнинг қалтис эканлигига ишонтиришга уринди, Аммо Солиҳ Ўзбекистон ҳукумати

уларга кўра ҳукм чиқарсин», деди Солиҳ. Чехияга халқаро жамоатчилик босими кундан кун ортиб борди. Чехия Республикаси Президенти Вацлав Хавел Ozodlik радиоси орқали чиқиш қилиб, вазиятга баҳо берди.

«Мен ишонаманки, Солиҳ тоталитар ҳукмдорга ҳады қилинмайди, Мен бу воқеадан ниҳоятда таассуфдаман. Бу ҳодиса Республикаимиз нуфузига соя солди». (07.12.2001, RFE\RL, Jolyon Naegele).

Бироқ Солиҳни озод этилиши борасида бирор мужда йўқ эди.

«Нью Йорк Таймс» газетаси махсус муҳбири Питер Грин Панкрас турмасида Солиҳ билан учрашуви ҳақида ёзди: «Панкрац турмасидаги оқ рангга бўялган учрашув хонасида, махбус қийимида, шалоқ курсида ўз халқининг танилган шоири ўтирарди.

Унинг боши ортидаги панжара орқасида эса бир парча булутли осмонни кўриш мумкин эди». Унинг айби Ўзбекистондаги Коммунистик режимга қарши бўлишидир. Унинг қисмати – бир пайтлар Чехия президенти Вацлав Хавел ўтирган турмада ўтиришдир. (09.12.2001, «New York Times»)

Ниҳоят, 10 декабр куни Президент Хавел Ички Ишлар вазири Станислав Гросс билан суҳбатлашганини матбуот ходимларига маълум қилиб, Солиҳ тез кунларда турмадан озод қилинишини айтди.

11 декабр куни Рейтер Агентлиги шундай маълумот тарқатди: «Чехия суди Ўзбекистон мухолифати партияси лидерини турмадан озодликка чиқарди ва у ўзини экстрадиция қилиниши масаласи кўриб чиқиладиган маҳкамани кутади». (Reuters, 11.12.2001)

Муҳаммад Солиҳ турмадан озод этилгач, Озодлик ва Озод Европа радиоларининг залида матбуот анжумани ўтказди. Солиҳ суднинг экстрадиция борасидаги ҳар қандай қарори демократия учун ўзининг ҳаётидан кўра кўпроқ аҳамиятга

эга эканлигини айтди. «Президент Буш террорчиликни илдизи билан қўпориб ташламоқни истаяпти. Биз унга бу илдизларнинг қаерда эканини кўрсата оламиз. Бу илдизлар – диктаторлик режимидир» деди у.

Президент Хавел 12 декабр куни Солиҳ билан Прага Қасрида учрашишини маълум қилди. Чехия Президенти Солиҳ билан суҳбатда Ўзбекистондаги вазият ва Солиҳнинг режалари билан қизиқди. Солиҳ Президентга турмада ёзган ўз эссесини ҳады қилди.

Учрашув сўнггида Муҳаммад Солиҳ матбуот вакилларининг саволларига жавоб берди. 14 декабр куни Солиҳни экстрадиция қилиш масаласида Прага шаҳар суди ўзбек томони олиб келган барча материалларнинг сиёсий мотивда эканлигини эътироф этиб, Муҳаммад Солиҳни айбсиз деб эълон қилди. «Los Angeles Times» газетаси муҳбири Давид Холлей 2001 йилнинг 15 декабр куни шундай ёзди: «Адолат тантана қилди», деди Муҳаммад Солиҳ суддан чиққач. «Ўзбекистонда минглаб одамлар ўз гоёлари ва сиёсий қарашлари учун таъкиб қилинмоқда ва қийноқларга тутилмоқда», деди у.

Чоршанба куни у Солиҳ ўтирган айни шу турмага қамалган Президент Хавел билан учрашувга, Прага Қасрига таклиф этилганди. «Солиҳ, ҳукумат томонидан сохта айблов қўйилган инсон, аслида ҳақиқий демократ ва инсон ҳуқуқлари учун курашчидир», деди Президент Хавел».

### Туркистонни кўмсаб

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳ сиёсатдан фориг пайтларда диний адабиёт билан қизиқди. Сўнгги йилларда у энг муҳим ишга қўл уриб, 4 жилдлик «Пайғамбарлар Тарихи»ни ўзбекчада нашр қилди. Муҳаммад Солиҳ ўзбек ёшларининг ҳар хил оқимлар тарафидан бузилмаган, саҳиҳ манбалар асосида тарбияланиши тарафдоридир. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистондаги диндорларнинг аҳволини фожеали дея баҳолайди.

М.Солиҳ: Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деган эди: «Шундай бир кун келади-ки, сиз динингизни худди ховучингизда ёниб турган чўғни энг ичида яширгандай, яшироққа мажбур бўлажаксиз». Бугун ўзбек мусулмонлари шу аҳволда яшайптилар, яъни иймонлари буюк бир синовдан кечмоқда».

*(Давоми келгуси сонда)*

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бинобарин, сон-саноксиз оқимлару хизбларга бўлиниб олган мусулмон жамияти Аллоҳ таолонинг амрларига, оятларига хилоф равишда, “гўё яхши ниятда” бир-бирларини текширишлари, тинмай бир-бирининг ортидан жосуслик, бадгумонлик ва гийбат қилишлари туфайли ички зиддиятлар ботқоғига ботиб, мутлақ носоғлом мухитни юзага

Хар хил баҳоналар билан, мутаассиблик қилиб, юксак, намунали жамият қуриш йўлида “велосипедни қайтадан кашф қилишга” уриниб, умматни сароб ортидан югуртириб, орқага тортиш – жаҳолатдан бошқа нарса эмасдир.

Б а р ч а  
м у с у л м о н л а р н и н г  
бошини бирлаштириб,



## ДЕМОКРАТИЯ ВА ИСЛОМ: ЗИДДИЯТМИ, УЙҒУНЛИКМИ?

келтираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ғарбнинг, демократия номи остида айнан ислом қонун-қоидаларини жорий этаётганидан қайтаганга хурсанд бўлиш, уларнинг тайёр тажрибаларидан оқилона фойдаланиш, ислом асосларига тўғри келмайдиган ортикчаликлардан тозалаб демократияни жамият ҳаётига татбиқ этишга ҳаракат қилиш лозим.

муайян мақсад сари етакланмаса, ҳаракат қилинмаса, ҳар қанча яхши ният, дуохонлик, шаклпарастлик қилинмасин, айтирли натижа кутиш – ақлсизликдир.

Умматни юксалтиришда дунёнинг илғор халқлари тажрибаларини ўрганиш лозим. Дадил айтиш мумкинки, мусулмон умматини ҳам Европанинг юксалишига сабаб бўлган демократик асослар – инсон ҳуқуқларига риоя қилиш,

фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, ишни ҳақиқий лойиқ эгасига топшириш имконини берувчи сайлов системаси ва бошқа муҳим тадбирлар – юксалтира олади.

Бу тадбирларнинг бирортаси исломнинг асосларига, мақсадларига зид келмайди. Балки булар, Аллоҳ таоло инсонларга омонат қилиб бериб қўйган “Ер юзидаги халифа” вазифасини чиройли адо этишдир.

**Ҳабибуллоҳ Каримов**

## Путин бир ўқ билан ўнлаб қуёнларни овламоқда

Менинг фикри ожизимча ҳозиргача Россияга қўлланилаётган барча санкциялар Путин фойдасига бўлиб келмоқда. АҚШ ва Оврўпа ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб санкциялар қўлламоқда бу Путинга жуда ҳам қўл келмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски йиллар мобайнида Россиядан ҳар йили юз миллиардлаб долларлар бизнесменлар томонидан ҳар хил йуллар билан чиқариб кетиларди. Бу эса Россия иқтисодиётига етарли даражада таъсир кўрсатарди.

Ҳозирги кунда қўлланиладиган санкциялар натижасида мана шу чиқариб кетилган пулларни бизнесменлар аста секин Россияга қайтаришмоқда.

Эндиликда йирик тадбиркорлар томонидан олиб чиқиб кетилиши керак бўлган миллиардлар эса Россияда қолдирилиб мамлакат иқтисодиёти ривожига ишлатилмоқда. Путин бир ўқ билан бир эмас икки эмас ўнлаб қуёнларни овламоқда. Буни тушуниб етмоқ керак. Россия кичик бир давлат эмаски Қора денгизга киритилган кемадан қўрқса ёки хазинаси қуриб қолмайдики санкциядан қўрқса. Бунинг устига триллонлаб доллар ва олтин запаси бўлса. АҚШ ва Оврўпанинг бугунги хатоси эса Ураинадаги ҳолатни

узоғи яна икки йилдан кейин Россияда ҳам ташкилаштириш имконини бой берди. Шу сабабли ҳам АҚШ ва Оврўпа магуботини эътибор билан кузатсангиз уларда биринчи кундаги бўлган катта кетишлар яъни қатъий қўрқитишга қаратилган дўқ-пўписалар сингари чақириклар секин аста ўз кучини йўқотмоқда. Бунинг ўрнига Россияни қўллашга ўхшаш ёки умуман ҳаммасини Россия ҳал қилиши керак каби қисқа бир маърузалар ёки чақириклар пайдо бўлмоқда.

Дунё криминалисткасида шундай бир фраза бор — ҳар қандай жиноятчи ўз жиноятида билиб билмай маълум бир далилни қолдиради. Яъни жиноятчи қанчалик устамон бўлмасин агар жиноят содир этса, бирор бир кичик бўлсада из қолдиради. Буни буюк изкуварлар яхши билишади. Мана шу кичик из ёки далил орқали кўплаб жиноят ишлари очилади.

Бугунги кунда Украинада жиноят содир этилди яъни омавий қирғин уюштирилди. Бу қирғин уюштирилмасидан олдин унинг ташкилотчиси ўз оғзи билан бу ҳақда билиб билмай маълумот қолдириди. Эътибор қилиб қаралса Путин ўзининг журналистлар билан бўлган охириги конференциясида

Оддеса ҳақида гапириб ўтди. Кўп ўтмасдан Одессада омавий қирғин уюштирилди.

Руспарастлар бугунги кунга келиб буни инкор этайдилар аммо факт фактликча қолади Россиянинг БМТдаги вакили жаноб Чуркин Россияга қарши ҳеч бир аниқ далилли фактлар йўқ деб оғиз йиртмоқда.

Тўғри аниқ далил йўқ, чунки Россия бугун тадбирқолик билан ишламоқда, яъни далил қолдирмасдан ишламоқда.

Правый сектор номидан ва Украина халқи номидан уларнинг кўринишида ҳаракат қилмоқда. Буни инкор этиб бўлмайди. Эртами кечми бу жиноятлар изи очилади аммо Одессада даҳшатли олов ичида куйиб кул бўлганларни ҳеч ким ҳаётга қайтаролмайди. Уларнинг ортларида қолган фарзандларининг ва узоқ яқин қ а в м у - қ а р и н д о ш л а р и н и н г қалбларига ҳеч ким малҳам бўлолмайди.

**Мансур Кучли**

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Мухаррир: Замир Малик